

қилган ишига шартнома асосида тийинма-тийин ҳаққини санаб олади. Аммо Аллоҳ таоло билан банда орасида бу услуб кетмайди. Зотан, бандани йўқдан бор қилган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Унга барча аъзоларни ва қобилиятларни берган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Уни ҳидоятга бошлаган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Унга амалларни бажаришга имкон берган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир.

Аллоҳ таоло бандага нима яхшилиқни берса, Ўз фазлидан беради. Агар унга жазо берса, Ўз адли ила беради. Бу борадаги мўмин банданинг ақийдаси «Ақийдаи Тоҳавия» ва унинг шарҳида қуйидагича ифода қилинган:

«Уларнинг барчаси У Зотнинг хоҳишида ва фазли ҳамда адолати орасида айланурлар».

Шарҳ: Яъни халойиқнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши доирасида: баъзиларига нисбатан У Зотнинг ҳидояти, муҳофазаси ва афви, бошқаларига нисбатан эса У Зотнинг залолатга кетказиши, ёрдамсиз ташлаб қўйиши ва синови бўлиб, улар У Зотнинг фазли ва адолати орасида ҳаёт кечирадилар, яшайдилар.

Бу ақийданинг ҳужжати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирор киши ўз амали билан ҳеч қачон жаннатга кира олмас», дедилар. Одамлар: «Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. У зот: «Мен ҳам. Агар Аллоҳ мени Ўз раҳмати ва фазли ила ўраб олмаса», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Кўриниб турибдики, охиратдаги жазо ёки мукофот амалга қараб бўлмайди. Чунки амаллар бандаларнинг ихтиёри билан бўлмайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ҳеч кимни амали жаннатга кирита олмас»**, деган гапларида манфий қилинаётган нарсаси «билан» маъносини ифода этаётган «бо» ҳарфи далолат қилган нарсадир. «Бо» ҳарфи араб тилида бир қанча маъноларни ифода этиши ҳаммага маълум. Ушбу жойда «бо» ҳарфи «эваз» маъносини ифода этади. Ана ўшанда

умумий маъно инсоннинг амали жаннатга кириши учун эваз бўла олмаслиги экани аён бўлади. Балки жаннатга кириш Аллоҳнинг раҳмати ва фазли ила бўлади.

Албатта, бу маъно Аллоҳ таолонинг Наҳл сурасидаги қуйидаги қавлига зид эмасдир.

«Қилиб юрган амалларингиз тугайли жаннатга кириш!» (32-оят).

Чунки бу ояти каримадаги «бо» эваз учун эмас, «сабаб» учундир. Албатта, «эваз» билан «сабаб»нинг орасида катта фарқ бор.

Руҳий тарбия устозларидан баъзилари эътимод – суянишни қуйидагича таърифлайдилар:

«Эътимод қувватни бир нарсага боғлаб қўйишдир. У нафсни мақсадга эриштирадиган нарсага чорловчидир. Унинг ҳосил бўлгани аломати эътимод қилинган – суянилганни устун қўйиш, олдинга юриш ва орқага қайтишда унга назар қилишдир.

Бу масалада одамлар уч қисмдан иборатдир:

1. Амалига эътимод қилувчи.

Хавфу ражода амалга боғлиқлиги учун унинг мақоми Исломдир.

2. Аллоҳ таолонинг фазлига эътимод қилувчи.

Олдинга интилиш ва ортга тисланишда қудратга боғлиқлиги учун унинг мақоми иймондир.

3. Азалий қисматга ва чиқарилган ҳукмга эътимод қилувчи.

Ўз ҳолига шоҳидлиги аён бўлгани учун унинг мақоми эҳсондир.

Бу борада аҳли ҳақлардан баъзиларининг айтган қуйидаги гаплари жуда ҳам ибратлидир: «Ким Исломнинг ҳақиқатига етса, амал қилишдан ҳоришга қодир бўлмас. Ким иймон ҳақиқатига етса, амалга қайрилиб қарашга қодир бўлмас. Ким эҳсон ҳақиқатига етса, Аллоҳ таолодан ўзга бирор нарсага қайрилиб қарашга қодир бўлмас».

Аллоҳ таоло барчамизни тойилиш вужудга келганда умидсиз бўлмайдиган ва амалга суяниб қолиб, Ўзидан узоқлашмайдиган бандаларидан бўлишимизни насиб қилсин!

«Хислатли ҳикматлар шарҳи» китобидан